

## Фатвода қўлланиладиган атамалар

05:00 / 19.01.2017 3360

Ҳанафий мазҳабининг фикҳий қарашлари акс эттирилган ривоятлар ва масалаларнинг баъзисига фатво аломатлари кўрсатилган бўлади. Уларни умумий тарзда “маълама” ёки “мўълама” деб номланган. Тадқиқотчилар уларни аниқлаб, йигирма бештача шундай истилоҳларни топганлар. Улар қуйидагилар:

1	ىوت فال هيلع و	Ва алайҳи-л-фатво!	Фатво унгадир!
2	ىت في هب و	Ва биҳи йуфто!	Унга фатво берилган!
3	دمت عي هب و	Ва биҳи йўътамад!	Унга суянилади!
4	ذخ أن هب و	Ва биҳи наъхузу!	Уни оламиз!
5	حي حصل او و	Ва ҳува-с-саҳиху!	У саҳихдир!
6	حصأل او و	Ва ҳува-л-асаҳху!	У саҳихроқ!
7	راتخ م او و	Ва ҳува-л-мухтор!	У ихтиёр қилинган!
8	ره اظلا او و	Ва ҳува-з-зоҳир!	У зоҳирдир!
9	دامت عإل هيلع و	Ва алайҳи-л-эътимод!	Эътимод унгадир!
10	مويلا لمع هيلع و	Ва алайҳи амалу-л-йавм!	Бугуннинг амали унгадир!

11	ةمأل ل جمع هيلع و	Ва алайҳи амалу-л-уммати!	Уммат амали унгадир!
12	ةمئأل ل جمع هيلع و	Ва алайҳи амалу-л-аимма!	Имомлар амали унгадир!
13	انخئاشم يوتف وه و	Ва ҳува фатво машойихуно!	У машойихларимиз фатвосидир!
14	ان نامزى ف هيلع و	Ва алайҳи фий замонино!	Замонамизда (амал) унгадир!
15	ره ظأل وه و	Ва ҳува-л-азҳару!	У зоҳирроқ!
16	هه شأل وه و	Ва ҳува-л-ашбаху!	У ўхшашроқ!
17	طوحأل وه و	Ва ҳува-л-аҳвату!	У эҳтиётлироқ!
18	هه وأل وه و	Ва ҳува-л-авжаҳу!	У йўналганроқ!
19	ق فرأل وه و	Ва ҳува-л-арфақ!	У фойдалироқ!
20	طايتحإل وه و	Ва ҳува-л-эътимод!	У эҳтиёт!
21	ىل وأل وه و	Ва ҳува-л-авло!	У авлодир!
22	رسىأل وه و	Ва ҳува-л-айсар!	У осонроқ!
23	فرعلا ىرجهه و	Ва биҳи жаро-л-урфу!	Урф унга жорий бўлган!
24	فراعتمأل وه و	Ва ҳува-л-мутаориф!	Уни умум эътироф қилган!

25	انؤاملع ذخأ هب و	Ва биҳи ахзу уламоино!	Уни уламоларимиз олган!
----	------------------	------------------------	-------------------------

Ушбу фатво аломатлари орасида зикр этилган “ашбах” (ўхшашроқ) атамаси “ушбу ривоят далилга энг ўхшаши, ақлга энг муносиби”, “авжаҳ” (йўналганроқ) атамаси эса “далилнинг далолати ушбу ривоятга бошқаларидан кўра энг кўп йўналган” деган маъноларда қўлланилади. “Алайҳи амалу-л-йавм” атамасидаги “бугуннинг амали”дан мурод мутлақ замон бўлиб, қайси даврда айтилишидан қатъи назар уни муфтий қабул қилиши керак бўлади. “Эҳтиёт”дан мақсад эса икки далилнинг кучлисига амал қилиш демакдир.

Хайриддин ар-Рамлий (р.ҳ.) ўз фатво китобида маъламалардаги баъзи лафзлар баъзисидан таъкидлироқ, бошқасидан кучлироқ эканини баён қилган. “Фатво” лафзи ҳар қандай сийғада келса ҳам “саҳиҳ” ва “асаҳҳ” ёки “ашбах”, “аҳват”, “азҳар” лафзларидан, “ва биҳи йуфто!” атамаси “ал-Фатво алайҳи!”дан, “асаҳҳ” эса “саҳиҳ”дан, “аҳват” эса “эҳтиёт”дан таъкидлироқ ҳисобланади.

Сўфи Аллоҳёр (р.ҳ.) айтишича, “ал-Азҳар” билан “ал-Асаҳҳ”нинг орасидаги фарқ шуки, “ал-Азҳар” маъламаси қўйилган ривоят машҳур бўлади, “ал-Асаҳҳ”даги ривоятнинг далили эса кучли ҳисобланади. “ас-Саҳиҳ” маъламаси қўйилса, демак, ундан бошқа ривоятлар тўғри эмаслигини билдиради.

“Ала” олд қўшимчаси (предлог) билан келган маълама “бо” олд қўшимчасидан муқаддам қилинади. Шунга кўра “алайҳи-л-фатво!” маъламаси “биҳи йўфто!”дан кучли деб топилади. Мутлақ келтирилган маълама “фалончиниқи” каби қайд қилинган (муқаййадлиси)дан муқаддам туради. Демак, “алайҳи-л-амал!” маъламаси “фалончининг амали шунгадир!” сифатли масаладан олдинга қўйилади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, “би-л-ижмоъ”, “би-л-иттифоқ”, “ҳува-л-қиёс” каби сифатлар гарчи фатво маъламаси бўлмаса-да, лекин, икки масаланинг бировига таржиҳ қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

*Бу Ҳамидуллоҳ Берунӣ (Аминов Ҳамидулла) таълиф қилган "Ҳанафийлик  
фиқҳининг асосий тамойил ва тушунчалари" номли асаридан олинган  
парча.*